

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПАРЛАМЕНТ ҲУҚУҚИ”
ФАНИДАН**

КУРС ИШИ



**МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТ АЪЗОЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

Топширди: магистратура 2-босқич талабаси С.Машрапова

Қабул қилди: ю.ф.д. Ш.Файзиев

Тошкент-2013

КИРИШ

I- БОБ. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ВА СЕНАТИ АЪЗОСИ – ВАКИЛЛИК ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ МУҲИМ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА.

1.1. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси – олий қонун чиқарувчи ва вакиллик органининг аъзоси

1.2. Сайловлар – Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси мандатининг юзага келишида муҳим асос сифатида

II- БОБ. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ВА СЕНАТ АЪЗОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси ваколатларининг вужудга келиши ва тугатилиш тартиби

2.2. Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ташкилий- ҳуқуқий асослари.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шакллантирилиши давлат қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг мантикий давоми бўлиб, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, халқ ҳокимиятининг амалда бўлишини тўлиқ таъминлашни назарда тутди. Демократик давлатчиликни шакллантириш, ўз навбатида, бир қатор ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ мураккаб ва давомли сиёсий жараёндир.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда “давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа, бу қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат”¹ бўлган устувор вазифа турганига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни барпо этишдан кўзланган асосий мақсад – парламентнинг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши ҳамда ҳар томонлама асосли ва пухта қонунлар қабул қилиши учун зарур тизимни яратиш. Парламент ваколатларининг кенгайтирилиши, доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатасининг шакллантирилиши, унинг ишини ташкил этишнинг янги механизмлари яратилиши, ўз навбатида, депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Бинобарин, Қонунчилик палатаси депутатларининг фаоллиги кўп жиҳатдан улар ҳуқуқларининг кафолатланганлиги ва дахлсизлигининг таъминланиши каби муҳим омиллар билан боғлиқдир.

Республикамиз мустақилликка эришгач депутатларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, дахлсизлигини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратишга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Ушбу йўналишда мамлакат парламенти томонидан тегишли қонунлар қабул қилинди.

2007 йил 11 апрелда “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг қабул қилиниши, бевосита сиёсий партия фракцияларига, қолаверса, унда фаолият юритувчи депутатларга шунингдек сенаторларга масъулият юклади ҳамда қонунчилик фаолияти учун кенг имкониятлар яратди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, “қуйи палата – Қонунчилик палатасини мунтазам фаолият кўрсатадиган профессионал органга айлантириш, шу тариқа қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш билан бир қаторда, ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратилмоқда, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг ўзаро мувозанати таъминланмоқда, аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имкони туғилмоқда”¹.

Бинобарин, ҳозирги кунда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг қонунчилик жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, умумдавлат манфаатларини таъминлашда депутатлар ва сенаторлар фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий, ташкилий масалаларини ҳал этиш парламентнинг профессионаллигини таъминлашдаги муҳим омилдир.

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б.179.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – Б.31.

I БОБ. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ВА СЕНАТ АЪЗОСИ – ВАКИЛЛИК ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ МУҲИМ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

1.1. Қонунчилик палатаси депутаты ва Сенат аъзоси– олий қонун чиқарувчи ва вакиллик органининг аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек: "Икки палатали парламентга ўтишдан асосий мақсад - парламентнинг ҳаётимиздаги ўрнини ошириш, қонунчилик ҳокимиятини кучайтиришдир. Негаки, бунда парламентимиз фаолияти янги босқичга кўтарилади, унинг ваколатлари анча кенгаяди. Аввало, қуйи палатанинг иши анча ўзгаради. Бу палата эртага доимий фаолият кўрсатувчи, профессионал органга айланади. Унга депутат бўлиб келадиган одамлар таркиби ҳам, сўзсиз, ўзгаради. Унинг моҳияти, иши, кўриладиган масалалар, қабул қилинадиган қонунлар сифати ўзгаради. Депутатлар бир чоракда йиғилиш билан чекланмасдан, ҳаётни чуқурроқ ўрганади, уларни сиёсий ўзгаришлар, ислохотларга таъсир қилиш имкониятлари кенгаяди"¹.

Умуман депутатлар ва сенаторлар ҳақида гапирсак улар халқ вакиллигини ифодаловчи шахслар эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим бўлади. Хусусан депутатлар ва сенаторлар халқнинг ҳокимият вакиллик органларида фаолият юритувчи тўлақонли вакиллари дир. Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида, жамият тараққиётида тўлиқ мазмундаги демократияга эришишда Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Олий Мажлис тўб ҳуқуқий моҳияти билан вакиллик органи ҳисобланиб, у аввало ташкил бўлишида, Ўзбекистон фуқароларининг бевосита иштирок этишида яққол кўринади. У депутатлар орқали ўзида вакиллик ва бевосита демократия хусусиятларини мужассамлантира олади, таркибида иш олиб боровчи депутатлар фуқароларнинг вакили дир, улар ўз ваколатини сайловчилардан олади, улар номидан иш олиб боради. Сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятида бевосита иштирок этади¹.

Қонунчилик палатаси депутаты ва сенаторлар фуқароларнинг вакиллик органдаги вакили сифатида, ўз фаолиятларини бевосита сайловчилар билан ҳамда халқ депутатлари кенгашлари билан ҳамкорликда олиб боради. Улар бутун фуқароларнинг ҳақиқий вакиллик органдаги вакили дир. Шу асосда қонунчилик жараёнида бевосита иштирок этиб, бутун халқнинг ҳуқуқий қафолатини таъминлашга қаратилган қонунлар яратишда қатнашади.

Юридик фанлар доктори, профессор О.Т.Хусанов таъкидлаб ўтганларидек, “Депутатлар бор маҳорат, билим ва тажрибаларни ишга солиб, сайловчилар, халқ, ҳудудий ва партиявий манфаатлар муштарақлигига эришишни кўзлаб фаолият олиб борганларидагина асосий мақсадга эришиш мумкин. Шунинг учун халқ олдидаги жавобгарлигини ҳис этиб, уларни талаб-истак, хоҳишларини рўёбга чиқаришда иштирок этиши уларнинг асосий бурчидир”².

Хорижий мамлакатлар парламент аъзолари фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, бу аввало депутат (икки палатали парламентлар фаолият кўрсатаётган давлатларда сенаторлар) билан бевосита боғлиқ бўлган парламент, парламентнинг

¹ И.А. Каримовнинг референдум куни сайлов участкасида берган интервьюсидан 2002 йил, 27 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати жорий архиви, 2002 йил учун ҳужжатлар тўплами. 21-22 бетлар.

¹ Қаранг: Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари: (Ўқув қўлланма) // Масъул муҳаррир А. А. Азизхўжаев. – Тошкент: Шарк, 1996.- 16 б.

² Хусанов О. Ваколат ва маъсулият. Ҳаёт ва қонун, 2005.- №1. – 3 б.

шакллантирилиши, қандай кишилар депутат ёки сенатор бўла олиши мумкинлиги муҳим аҳамият касб этади. Бунинг боиси жамиятдаги ҳар қандай фуқаро ҳам бунга лойиқ деб топилмайди, чунки хорижий мамлакатлар парламентларига депутат ёки сенатор бўлишда ҳар қайси давлат қонунчилигида ўзига хос тартиб қоидалар белгиланган ва ушбу талабларга жавоб берган фуқаро депутат ёки сенатор бўлиб сайланиши ёки тайинланиши мумкин.

Депутат (лот. *deputatus*- вакил қилинган, йўлланган)- қонун чиқарувчи ёки бошқа вакиллик органига белгиланган тартибда аъзо қилиб сайланган шахс³, деб таъриф берилади.

Сенаторларга келганда эса бу сўз Сенат сўзининг негизига бориб тақалишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан Сенат («*senatus*», «*gerousiva*») - бу Оқсоқоллар Мажлиси ёхуд Оқсоқоллар Кенгаши. «Сенат» атамасини мутафаккир Квинтилиан ўзининг «Нотикқа маслаҳатлар» китобида айнан шундай изоҳлайди¹.

Бироқ шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки депутат ва сенатор фаолияти, ҳуқуқий мақоми юзасидан бир-бирига яқин институтлар бўлса ҳам фикримизча бу икки институт икки хал категориялардан иборат. Чунки депутат кўпроқ сиёсий партиялардан сайлангани боис сиёсий манфаатларнинг ифодачиси, иккинчи жihatдан у қонунчилик жараёнида сенаторга нисбатан кўпроқ қатнашади ва шу билан қонунчиликка кўпроқ таъсир ўтказиш имкониятига эга шахс. Учунчидан депутат профессионаллик асосида сенатордан фарқли ўлароқ фақат депутатлик фаолияти билан шуғулланади ва бу унга ўз фаолияти билан жиддий шуғулланишга имкон яратади. Энди биз ҳар икки категория яъни депутат ва сенаторларни алоҳида таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Депутат фаолияти ва вазифалари хусусида илмий адабиётларда турли тушунчалар, таърифлар берилган. Жумладан, “Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат)” да қуйидаги таъриф келтирилган: “Депутат – давлат ҳокимияти вакиллик органларида иш олиб боровчи халқ вакилидир. У сайлов йўли билан сайланиб, халқдан тегишли органларда иш олиб бориш учун ваколат олади. Депутатлар маълум муддатга сайланадилар”¹. Депутат вакиллик органлари ва сайловчилар билан мунтазам равишда узвий алоқада бўлади ва шу аснода белгилаб қўйилган муддат мобайнида фаолият олиб боради.

Депутат – бу сайланган шахс бўлиб, халқ талабларини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида бажарилишини таъминловчи вакилдир². Бу таърифга мувофиқ, депутатлар фақатгина маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида ўзи учун овоз берган сайловчиларнинггина талаб ва хоҳишларини бажариши лозим бўлиб қолади. Бу эса депутатларнинг бутун халқ манфаатларини ифодаловчи шахс сифатида берилган таърифга мос келмайди.

Депутат фаолияти мазмуни ўзига хос жиҳатлари билан тубдан ажралиб туради: депутат сайланадиган шахс, у ўзи сайланган сайлов округи ҳудудида яшовчи фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилади, у ўз сайловчиларининг вакили сифатида тегишли вакиллик органларида иштирок этади.

“Юридик атамалар қомусий луғатида” қуйидаги таъриф келтирилади: “Депутат - аҳолининг бир қисми , маълум бир миллатлар ва халқларнинг сайлов органи вакилининг ёки халқлар ва миллатлар барчасининг қонунчилик, вакиллик ёки бошқа ўзини-ўзи бошқарув органига сайлаб қўйиладиган вакили бўлмиш шахс. Депутат вакиллик органида профессионаллик асосида доимий ишловчи ва профессионал

³ Конституция.- Т.: “ Адолат”, 2003.- 216. (Давлат ва миллат рамзлари).

¹ М. Шарифхўжаев.. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати». Т., Шарк. 2005 й. 21 бет.

¹ Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). Азизхўжаев А., Ҳусанов О , Азизов Х. – Тошкент: Академия, 2001.- 396.

² Қаранг: Выдрин И.В., Кокотов А.Н. Муниципальное право России. М.: 1997.- С.150-151.

бўлмаган асосда асосий иш жойидан ажратилмаган ҳолда ўз фаолиятини олиб борадиган муваққат ишловчи депутат мақоми конституция ва қонунчилик томонидан ўрнатилади.”¹

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шундай хулоса чиқариш мумкинки, депутат биринчи навбатда ўзини сайлаган сайловчилари олдида, қолаверса бутун халқ олдида маъсулдир. Депутат ўз фаолиятини профессионал тарзда олиб борар экан, ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий жараёнлардаги муносиб иштироки билан фуқаролар ишончини оқламоғи лозим. Ҳар қайси депутат ўзининг шаъни, бурчи ва қадр - қимматини англаши, шу хусусиятларни амалиётда намоён қилиши лозим. Бизнинг фикримизча, депутатлар ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи қонунларимизга депутатнинг кимлигини англатувчи яқдил таърифни киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Жумладан: Депутат – давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловчилар томонидан бевосита сайланадиган ҳамда ушбу органлар ваколатларини амалга оширишда иштирок этадиган, бутун халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи масъул шахсдир.

Замонавий депутат ўз ишига фидойи, улкан маънавият эгаси, билимли, илғор дунёқарашли бўлиб, Ватан, халқ, мустақил ривожланишимиз манфаатига сидқидилдан хизмат қилади. Депутат миллат ва халқнинг салоҳияти ошишига самарали таъсир кўрсатади. Доимо Ватан билан бирга бўлиш, қийинчиликларни биргаликда енгиш, эришаётган ютуқларидан қувониш, унинг ор-номуси, қадр-қиммати учун курашиш ҳар бир депутатнинг бурчидир. Депутатнинг энг катта душмани - эътиборсизлик, лоқайдлик, воқеликдан ўз вақтида огоҳ бўлмасликдир².

Депутат фуқароларнинг хоҳиш истаклари, орзу ниятлари бўйича мулоқотга киришиб, эзгуликка, бунёдкорликка даъват қилади ва сайловчиларнинг ижтимоий ҳуқуқий манфаатлари ҳимоячиси сифатида намоён бўлиши зарур. Шу билан бирга депутат шахсий маънавиятининг поклиги, серқирра дунёқараши, Ватан, юрт ривожини йўлида бунёдкорлик фаолиятига мойиллиги, юксак ижтимоий мавқеда туриб, ҳалол, теран, қизиқарли фикрлай олиш истеъдоди билан ажралиб туриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 2000 йил 25 май куни бўлиб ўтган иккинчи чақириқ, иккинчи сессиясида: "Аслида, депутат дегани халқимизнинг вакили ва ҳимоячиси деганидир", деб таъкидлаган.¹ Ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда юксак маъсулиятли қонунчилик юқини ўз зиммасига олган ҳар бир депутат, халқ манфаатларини амалда рўёбга чиқаришга интилувчи вакил сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 28-январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида сўзлаган нутқида: “Ҳеч шубҳасиз, менинг назаримда, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади”², деб таъкидлаган эдилар.

¹ Юридик атамалар қомусий лугати. / Маъсул муҳаррир : Ҳ.Р.Раҳмонқулов; Адабий муҳаррир: Б.А.Эшпўлатов// - Тошкент: Шарқ, 2003.- 131 б.

² Қаранг: Мустафоев Б., Қ.Назаров. Ким депутат бўлиши мумкин? Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 3 б.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 480 б.

² Каримов И. А.Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 182 б.

Ҳозирги вақтда фуқаролик жамиятини жадал шакллантириш ҳар бир депутатнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари устидан жамоатчилик назоратини олиб боришдаги иштироки, қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, давлатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатланишига кенг имконият яратади.

Парламентаризм тарихи шундан далолат берадики, дастлаб XIII асрда Англияда парламент ташкил қилинган бўлиб, лордлар ҳамда жамоатчилик вакиллари ўзларининг палаталарига эга бўлганлар. 1330 йилги “Вестминстер статутининг” XIV - моддасига кўра, парламент йилига камида бир марта ёки заруратга қараб ўз йиғилишларини чақириши мумкин бўлган. Бу мажлисларда дастлаб алоҳида таклифлар билан лордлар, кейин эса махсус чақирувчилар орқали сайланган жамоатчилик вакиллари бевосита иштирок этган¹.

Англия парламентида кўплаб қонун лойиҳалари парламент аъзолари муҳокамаларига ҳавола этилган. Хусусан, 1272 йилдан то 1307 йилга қадар Англия парламентида мулклардан солиқ ундириш масаласи ўн мартага; шойи ҳамда чармдан ундириладиган йиғимнинг миқдорини кўтариш масаласи икки марта; тўрт марта янги қонунлар лойиҳаси; қирол ва унинг кенгашига тушган петиция (арзномалар) ни кўриб чиқиш ҳамда муҳим суд жараёнлари масалалари бир неча марта жамоатчилик вакиллари томонидан бевосита муҳокама қилинган².

Таҳлил шуни кўрсатадики, ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган Англияда парламент аъзоларининг қирол томонидан парламентга тавсия қилган масалаларни кўриб чиқиб ҳамда тегишли тарзда ҳал қилишлари, уларга нисбатан ишонч уйғотган ҳамда улар ваколатларининг кенгайишига сабаб бўлган.

XV – XVI асрларда Францияда табақа – вакиллик характерга эга бўлган қирол қошидаги маслаҳат органи – Генерал Штатлар чақирила бошлади. Ўрнатилган тартибга мувофиқ, ҳар бир табақа ўз депутатини сайлар, депутат сайловчиларнинг кафолатли вакили сифатида уларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилиш шарт эди. Депутатлар вакиллик органидан муддатдан аввал чақириб олиниши мумкин эди, сессиянинг тугалланиши билан эса, сайловчиларнинг топшириқ ва буйруқларининг бажарилиши ҳақида ҳисобот беришлари шарт бўлган. Ўрта асрлар Франциясида асосий ҳудудларда бўлиб ўтадиган сайловларда сайловчилар ўз хоҳиш- истакларини депутатлар томонидан инобатга олиниши учун махсус юритилган китобларга ёзиб қолдирганлар¹.

Депутатлик фаолияти, турли давлатлар парламентларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, тарихий, миллий жиҳатлар, давлатнинг бошқарув ҳамда тузилиш шаклига, парламент шаклланиши ва фаолиятига асосланган. Маълумки, депутатлар мандатининг ўзига хос кўринишлари, мандатлар ўртасидаги ўзаро узвийлик, уларнинг бир - биридан фарқланувчи хусусиятлари мавжуд.

Парламентаризмнинг ривожланиш тарихидан маълумки, депутатлар мандатининг асосан икки тури: яъни императив мандат ва эркин мандат билан фарқланган. Мандат тушунчасига тўхталадиган бўлсак, Мандат (лот. *mandatum*- топшириқ)², депутатнинг ўз ваколатлари ва ҳуқуқларини амалга оширишини кафолатловчи ҳужжатиدير.

Депутат мандати муаммоси депутатнинг парламент аъзоси сифатида кимнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши, парламент, унинг палаталари қарорларини қабул қилишдаги бевосита иштироки билан, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиши билан бевосита боғлиқ. Парламентдаги фаолияти учун депутат ўз сайловчилари олдида

¹ См: Парламент мира: Сб. – М.: Интерпракс, 1991. – 621 с.

² Қаранг: Гутнова Е. В. Возникновение английского парламента. М.: Юристь, 1960.-С.423 -424.

¹ Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран. М.:Издательское группа Форум, 1998.- 434 с

² Қаранг: www.5ballov.ru.

ҳукукий жавобгардир. Сайловчилар депутатларга ижро этишлари лозим бўлган йўл-йўриқлар бериш ва баъзи ҳолларда уни чақириб олиш масаласини қўйишлари мумкин.

Машҳур Француз мутафаккири Ж.Ж.Руссо “Халқ депутатлари халқнинг бевосита вакили бўла олмайдилар, улар фақат ундан ваколат олган кишилардир”³, деб ўз даври депутатлари фаолиятига баҳо берган.

Императив мандат принципи 1871 йилги Париж Коммунасининг тажрибасига таяниб, мазкур тажрибани ўз қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаган собиқ социалистик мамлакатлар парламентлари фаолиятида эътироф этилди. Париж Коммунаси жамиятни сиёсий ташкил этишнинг шундай бир янги типини шакллантирдики, унда депутатлар ўз сайловчиларининг йўл-йўриқларига қатъий риоя қилишлари лозим ва исталган вақтда алмаштирилишлари мумкин эди¹.

Аммо, социалистик тузум шароитида жамият ҳаётига мансуб муаммоларни тез ҳал қилишга кўмаклашмайдиган, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи органининг ижодий фаолиятини бўғадиган императив мандат тўғрисида сўз юритиш учун ҳеч қандай асос йўқ, деган қарашлар ҳуқуқшунос олимлар орасида мавжуд эди². Шунга қарамай, депутатлар ва сайловчиларнинг ўзаро муносабатлари хусусияти собиқ Иттифоқ даврида сайловчиларнинг ўз депутатларига йўл-йўриқлар бериш, шунингдек сайланган депутатларни чақириб олиш, уларнинг ҳисоботларини тинглаш имкониятлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши билан белгиланар эди.

Шундай қилиб, тоталитар тузум депутат императив мандатининг мустабид сиёсий тузум шароитларида кўп жиҳатдан расмий хусусиятга эга бўлган уч институт: депутатларни чақириб олиш ҳуқуқи, депутатларга йўл-йўриқлар бериш ва уларнинг ҳисоботларини тинглаш ҳуқуқини ўз ичига олган.

Юридик фанлари номзоди Н.М.Исмоилов фикрича: “Парламент депутатлари императив мандатга эга бўладилар, яъни улар ўзларининг сайловчилари олдидагина жавобгар ҳисобланадилар. Бу усул, жумладан собиқ тоталитар тузум даврида ҳам қўлланилар эди. Мен ўзим 1985 йилда туман Кенгаши депутатлигига сайланадиган вақтимда сайловчиларим бизга магазин қуриб берасиз, деб кўрсатма берган. Сайланганимдан сўнг бу топшириқни бажармаганман. Аммо бундай усул жамиятга катта фойда келтирмайди. Шунинг учун ҳам эндиликда, мустақил Ўзбекистонимизда депутатларнинг мандати эркин ҳисобланади”². Аммо, шунини эътироф этиш керакки, амалда ҳозиргача депутатларни чақириб олиш тўғрисидаги қонун қўлланилмоқда.

Тадқиқотчи ҳуқуқшунос Е.И.Колюшиннинг эътирофига кўра, “Шўролар даврида халқ депутати императив депутат мандатига эга бўлган”³. Юридик фанлари доктори О. З. Мухаммаджановнинг таъкидлашича, айни ҳолда императив мандат инкор этилишига қарамай, унинг ўрнига депутатни партиёга тобе қилиб қўядиган, унга ўз виждони ва эътиқодларига мувофиқ, партиё манфаатларидан эмас, балки миллий манфаатлардан келиб чиқиб иш тутиш имкониятини доим ҳам беравермайдиган партиё мандати эътироф этилади. Бу жуда мураккаб муаммо бўлиб, партиё аъзосининг мақомини белгилайдиган қонун ҳужжатларида ўз ечимини топиши лозим¹.

Императив мандатни кенгроқ, яъни парламент аъзосининг ўз сайловчиларининг тўғридан-тўғри билдирилган хоҳиш-иродасини бажариши, қолган ҳолларда эса эркин

³ Руссо Ж.Ж. Трактаты. Москва: Наука, 1969. -222 с.

¹ Қаранг: Конституционное право России. В 3-х томах. М.: Юристъ, 2001.- 637 с.

² Ўша ерда. Б. 637-638.

² Исмоилов Н. Депутатлик халқ ишончи демакдир. – Ўзбекистон овози. 2004, 16 ноябрь.

³ Колюшин Е.И. Конституционное (государственное) право России. - М.: Юристъ, 1999. -248 с.

¹ Қаранг: Мухамеджанов О. З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий асосларини шакллантириш. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияси. Тошкент: 2004. – 175 б.

ҳаракат қилиш мажбурияти деб тушунган тақдиримизда ҳам императив мандат ғояси жиддий эътирозлар туғдиради. Парламент аъзоси ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасини миллий манфаатларга зид деб топса, у мазкур хоҳиш-иродани бажариши ёки истеъфога чиқиши ёки бўлмаса чақириб олиниши лозим.

Демократик ва ривожланган давлатлар Конституцияларига мувофиқ, парламентлар ва уларнинг барча аъзолари бутун миллатнинг вакиллари саналади ва ҳеч ким уларга мажбурият юклай олмайди. Бу эркин мандат тавсифлайдиган хусусиятдир. Бу хусусда юридик фанлар доктори, профессор А.А.Азизхўжаев қуйидаги фикрларни илгари суради: “Халқ ўз қўлидаги ҳокимиятни ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали – Олий Мажлис депутатлари воситасида амалга оширади. Улар ўз ваколатларини сайловчилардан оладилар ва ўз фаолиятларида халқ манфаатларини ифода этадилар”¹.

Шунингдек, юридик фанлар номзоди Н.М.Исмоиловнинг таъкидлашича, “Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг парламентларида депутатлар одатда профессионал тарзда иш олиб борган ҳолда, эркин мандатга эга бўладилар. Бундай депутат мамлакатнинг барча фуқаролари манфаатларини ифодалайди ва ўз сайловчиларнинг иродасига бевосита тобе ҳисобланмайди”².

Депутатларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишда биринчи навбатда ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, ўз нуктаи - назари, ўзининг мустақил фаолият йўналишларини аниқ белгилаб олган ҳолда фаолият юритадилар. Дарҳақиқат, депутатлар ўз вазифаларини қанчалик ишонч билан бажарар эканлар, уларга шунчалик сайловчилар томонидан ҳурмат, ишонч ҳисси кучаяди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг мандати мазмуни борасида қонунларимизда аниқлик киритиш талаб этилади. Депутат ва сенатор мандатининг эркинлиги ёки императивлиги хусусида норма қонун ҳужжатларида мустаҳкамланмаган. Қолаверса, ҳуқуқшунос олимлар орасида Ўзбекистонда парламент аъзолари эркин мандатга эга деган фикрлар мавжуд.

Мамлакатимизда 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган, “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида” ги қонуннинг қабул қилинганлиги, императив мандатнинг хусусиятларини намоён этади. Депутат ҳам халқ билан, ҳам сайловчилар билан доимий муносабатда бўладилар.

Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси ҳозирги кунда қандай мандат асосида фаолият олиб боришини аниқлаштириш лозим. Шу мақсадда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунга депутат ва сенаторлик мандатини белгилаб берувчи аниқ қонидани киритиш лозим. Бизнинг фикримизча, депутатлик мандатини “ярим эркин мандат” сифатида белгилаб қўйиш, мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Чунки, бизнинг амалдаги қонунларимизда ҳам императив мандатнинг, ҳам эркин мандатнинг асослари мавжуд. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 9- моддасида, депутатларнинг сайловчилар олдида ахборот бериб туриши бевосита эркин мандатни ифодаласа, ушбу модданинг ўзида, сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат ёки сенатор қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин, деб белгилаб қўйилган. Бу эса императив мандатнинг кўринишини ифодалайди.

¹ Азизхўжаев А. Демократия – халқ ҳокимияти демакдир. Жамият ва бошқарув, 1997.- №1. - 4 б.

² Исмоилов Н. Депутатлик халқ ишончи демакдир. – Ўзбекистон овози. 2004, 16 ноябрь

1.2. Сайловлар – Қонунчилик палатаси депутати ва сенаторлик мандатининг юзага келишида муҳим асос сифатида

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи бутун дунёда эътироф этилган энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бўлиб, фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакиллари юбориш имкониятини ҳам беради. Парламент сайловлари мамлакат аҳолисининг иродаси ва кимни афзал билишини намоён этувчи кўрсаткич сифатида ҳам катта аҳамият касб этади.

Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрларни билдирган: "Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш – иродаси, орзу- умидлари, ижтимоий кайфиятлар айниқса яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши – буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди"¹.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишда ҳар бир сайловчининг ўрни, фаоллиги жуда муҳимдир. Ҳар бир фуқаро жамиятда бўлаётган ўзгаришлар ва турли жараёнларга ўзининг муносабатларини сиёсий ҳуқуқлари орқали намоёиш этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаро бу муносабатларга бефарқ бўлмаслиги, эртанги кунда ўзининг ҳуқуқларини ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётда амалга ошириш орқали юзага чиқишини теран англаши лозим.

Сайлов - қонун билан белгиланган муайян ҳуқуқий жараён бўлиб, унда фуқаролар муайян бир партия ёки номзод учун ўз овозларини беришади ва бунинг натижасида ёки ҳокимиятнинг сайлаб қўйиладиган органи – парламент шакллантирилади ёки аниқ бир мансабдор шахс, депутат сайланади².

Сайлов тажрибасига кўра, ҳар бир номзоднинг ҳаётий фаолияти билан таништириш мақсадида, сайловчиларга кенг имкониятлар яратиб берилади. Зеро, депутат бўламан деган номзодлар орасида сайловчиларга амалга ошмайдиган ваъдалар бериш, сайлов олди жараёнида сайловчиларни ўзига оғдириш мақсадида турли-туман хайр-эҳсонлар уюштириш каби салбий ҳолатларни мушоҳада қилувчилар бўлиши мумкин. Тажриба ва таҳлиллар далолат берадики, бундай салбий ҳолатларга йўл қўйиш мумкин эмас. Сайловчи ўз миллати, Ватани, мамлакатининг фуқароси сифатида депутат номзоди учун ўзининг овозини берар экан, демак, у юрт, Ватан келажагига ишончини, эътиқодини намоён қилади.

Ўзбекистон Республикасида эркин демократик жамиятнинг шаклланиши халқ сайлаган депутатлар фаоллигига боғлиқдир. Бугунги депутатликка номзод дунё сиёсатидан теран огоҳ, минтақада ва ер юзида содир бўлаётган глобал муаммолардан хабардор, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий муаммоларини ҳис қилиш қобилиятига эга, маданиятли шахс бўлмоғи лозим. У халқ ҳузурига чиқаркан, унинг кўзларига тик боқиб, ёлғонлар тўқиши мумкин эмас¹.

Ҳар бир давлат парламент аъзоларининг депутат мандатига эга бўлишларида демократик сайловларнинг ўзига хос ўрнини кузатишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117- моддасига мувофиқ, Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т.7.- Тошкент: Ўзбекистон.1999.- 310 б.

² Қаранг: Ахмадшоева М.А., Ш.В.Расулов. Сайлов қонунчилиги:100 саволга 100 жавоб. – Тошкент : ТДЮИ, 2004.- 5 б.

¹ Қаранг: Мустафоев Б., Назаров Қ,... Ким депутат бўлиши мумкин? Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 26 б.

Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар².

Фуқаролар ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиб, давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали давлатнинг энг муҳим сиёсий масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этадилар. Демократик тамойиллар асосида ташкил қилинган ва ўтказилган сайловлар фуқароларнинг давлат органларини тузиш ва уларнинг ишида иштирокини таъминлайди. Сайловлар натижасида жамият аъзоларининг хоҳиш-иродаси, кайфияти, олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга муносабати аниқланади, фикрлар хилма-хиллиги намоён бўлади.

Халқаро нормаларда ҳам фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш масалалари ўз ифодасини топган. Масалан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”¹ нинг 21- моддасида, ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга, деган қоида мустаҳкамланган. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”² ги халқаро Пактнинг 25- моддаси, “а “ бандига мувофиқ, ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиши кўрсатилган.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда, улар аъзоларининг фаолиятида сайлов тизимининг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир. Сайлов тизими бу фуқаролик жамиятида давлатнинг вакиллик органларини сайлаш йўли билан юзага келувчи давлат ва жамият муносабатлари тизимидир.

Сайловнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сиёсий партиялар ролининг фаоллашуви ва фуқароларнинг ўз хоҳиш - иродаларини изҳор этишларидир. Ўз навбатида, депутатлик мандатларига кимлар номзодларини таклиф этиши, депутатни сайлашда сайловчиларнинг қай миқдордаги овозлари зарур эканлиги, номзодларни таклиф этган сиёсий партиялар орасида депутатлик мандатлари қандай тақсимланиши, сайловларни ташкиллаштириш тартиби ва натижаларини аниқлашнинг қонунийлиги қафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнлари мажоритар сайлов тизими шаклида амалга оширилади. Мажоритар сайлов тизими – французча «majorite» сўзидан олинган бўлиб, кўпчилик деган маънони англатади. Сайлов тизимининг ушбу турида қонун билан белгиланган сайловчиларнинг кўпчилик овозини олган номзод мазкур округ бўйича депутат сифатида сайланган ҳисобланади. Ўзбекистондаги каби Буюк Британия, АҚШ, Мексика ва бошқа давлатларда ҳам мажоритар сайлов тизими амал қилади³.

Ўзбекистон Республикасида умумий сайлов ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар¹.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Тошкент: Ўзбекистон, 2003.- 31 б.

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича декларация. Бош ассамблеянинг 1948 йил 10 августдаги 217 А (III) резолюцияси билан қабул қилинган ва эълон қилинган.

² Фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.Бош ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 (XXI) резолюцияси билан имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун қабул қилинган ва очилган. 1976 йил 23 мартда кучга кирган.

³ Қаранг: Хорижий мамлакат конституциявий (давлат) ҳуқуқи: Ўқув қўлланма /Маъсул муҳаррир: доцент Д.Қ.Аҳмедов.- Тошкент: ТДЮИ, 2006.-332 б.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси.2003 й, 9-сон, 132 – модда.

Халқаро амалиётда сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш, жумладан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига номзодини қўйган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Европа парламентида ҳам худди шундай 23 ёшга етган бўлиши лозим². Россия Федерациясида 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган “Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат Думаси депутатларига сайлов тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Давлат Думаси депутатлигига, 21 ёшга тўлган ҳамда сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Россия Федерацияси фуқароси сайланиши мумкин³.

Таъкидлаш лозимки, бу нормаларнинг амалда бўлиши аксарият ривожланган давлатлар қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган парламент ислохотларининг туб мазмуни, мавжуд икки палатали Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, парламент фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Чунки ҳар икки палатанинг юқори даражадаги профессионаллигини таъминлаш, айнан улар фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асосларнинг мукамал бўлишига ҳам боғлиқдир. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови тўғрисида”ги алоҳида Қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки, парламентимизнинг иккита мустақил палатага эга бўлганлиги иккала палата аъзоларини сайлашимизда, сайлов жараёнларини ташкил этишда, сайлов ташвиқотларида, овозлар бериш жараёнида, овозларни эълон қилиш ва бошқа ҳуқуқий ташкилий ҳолатларда бир –биридан фарқланувчи хусусиятлар намоён бўлади.

Тўғри, 2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонун мавжуд, аммо Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови жараёнининг кенг қамровлигини, сайлов жараёнларида фуқаролар иштирокининг ўзига хослиги, қолаверса, ушбу жараёндаги барча ҳуқуқий ҳолатларни инобатга оладиган бўлсак, алоҳида қонун қабул қилиниши натижасида сайлов жараёнларида учрайдиган қўплаб масалалар тўлалигича ўз ечимини топган бўлар эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг, Конституция ва қонунларимизда парламент аъзоларининг сони доимий равишда ўзгариб борди. 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида, Олий Кенгаш 150 нафар депутатдан иборат, деб белгилаб қўйилди. 1993 йил 28 декабрда бўлиб ўтган, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ, Конституциянинг 77-моддасидаги “150 нафар депутатдан” деган сўзлар “депутатлардан” деган сўз билан алмаштирилди¹.

2002 йил 27 январда мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига мувофиқ ҳамда унинг натижаси асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, Конституциянинг 77-моддасига ўзгартиш киритилди. Яъни, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 120 та депутатдан иборат деб белгилаб қўйилди.

2008 йилда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар туфайли депутатларнинг сони борасида ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлди. Хусусан “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги

² Қаранг: Droit constitutionnel et libertes. Edition SIREY. 1998, pp 50-52

³ Қаранг: В.Ф.Кириллов.Конституционное право Российской Федерации: Тюмень: Издательство Тюменского государственного университета.М.: 2005.- С.209-210.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994 й , 1- сон, – 9 б.

қонуннинг биринчи моддасига мувофиқ сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги вакиллигини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси 1-қисмининг янги таҳририга биноан Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 га оширилган. Бунда 135 нафар депутат кўппартиявийлик асосида бир мандатли ҳудудий сайлов округларидан сайланади.

Иккинчидан, Қонуннинг учинчи моддасига кўра, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш, аҳоли саломатлиги учун курашиш масалаларнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддаси янги таҳририга биноан, сайлов қонунчилигига депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилган. Бунинг учун, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Экологик ҳаракатига Қонунчилик палатасига 15 нафар депутат сайлаш ҳуқуқи берилган. Шунинг учун мазкур Қонунга алоҳида 7¹-боб киритилган бўлиб, унда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш тартиби, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатликка сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар; Ҳаракат томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига депутатларни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати; Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатларнинг такрорий сайловини ўтказиш тартиби, шунингдек сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш ва экологик Ҳаракатдан сайланган депутатларнинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ бошқа нормалар белгилаб қўйилган².

Хусусан хорижий мамлакатларнинг палата аъзолари сони борасидаги таҳлил қўйидаги ҳолатни кўрсатади. Чет эл тажрибалари шуни кўрсатадики юқори палатада депутатлар сони қўйи палатага нисбатан камроқ бўлади. Бунинг сабаби шундаки, Парламентнинг қонунчилик ва назорат фаолиятини асосан қўйи палата бажаради. Масалан, Бельгияда қўйи палатада 150 депутат, юқори палатада эса 71 депутат фаолият кўрсатади, Нидерландлардаги нисбат 150:72, Норвегияда 124:42, Швейцария конфедерациясида 200:46, Японияда 500:252, Италияда 630:315, Польшада 460:100².

Умуман, Республикамизда депутатлар сонининг бу тарзда ўзгариши парламентнинг қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш зарурияти билан боғлиқ ҳол, деб изоҳлаш мумкин.

Умуман депутатни сайлаш жараёнида унга қўйиладиган талаблар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар ҳақида тўхтаб, қўйидагиларни таъкидлайди: “Депутат бўлишни истаган одам, аввало, ҳалол-поклиги, маънавий етуклиги, теран билими, қобилияти, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятлари билангина сайловчиларнинг ишончига сазовор бўлиши мумкин”.¹

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, депутатликка номзодларга қўйидаги талаблар қўйилиши кўрсатиб ўтилган:

² Ўзбекистон Республикасининг “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун. Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган

² Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси.//Муаллифлар жамоаси. -Тошкент: “Шарқ”, 2004.- 26 б.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. Тошкент: Ўзбекистон, 2000.- 63 б.

- содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;
- сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;
- диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Бу талаблар хусусида профессор О.Т. Хусанов қуйидаги фикрларни билдирган²: Депутатликка қўйиладиган талаблар ҳам қисман ўзгартирилиб, аввалги “Қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар”нинг ўрнига “содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар” номзод сифатида рўйхатга олинмаслиги белгиланди. Қонуннинг аввалги таҳририга кўра, аввал қасддан содир этган жинояти учун судланган шахс умрбод номзод бўлолмас эди. Янги қоидага асосан судланганлиги қонунга асосан тугаган ёки олиб ташланганлар номзод бўлиш ҳуқуқига эга.

Ҳозирги кунда барча соҳаларимизда олиб борилаётган ислохотларнинг туб маъно-мазмунини, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун”¹. Шундай экан, суд-ҳуқуқ соҳаларининг либераллашуви жараёнидан келиб чиқиб, ” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддаси, биринчи бандида кўрсатилган, “Содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар” номзод сифатида рўйхатга олинмайдилар, деган нормага факатгина “Давлатга қарши, оғир ҳамда ўта оғир жиноят содир этиб, судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар” номзод сифатида рўйхатга олинмайдилар, деган қоида қиритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Мамлакатимизда сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги 5 йил мобайнида Ўзбекистон ҳудудида домий яшамаган фуқаролар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар. Бизнинг фикримизча бундай талаб адолатлидир. Зотан, 5 йил мобайнида фуқаролар онггида, умуман жамиятда ҳам жиддий ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар рўй беради. Таркиб топган анъаналарда ва қоидаларда ўзгаришлар рўй бергани учун ҳам ҳар қандай шахс ўзи учун нотаниш бўлган вазиятда тўғри қарорга келишига, ўзи узоқ вақт мобайнида яшамаган жамиятнинг эҳтиёж, талаб ва манфаатларини англаб олиш ва тушунишга қийналади. Бундай талаб депутатликка номзод сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишининг омили тариқасида унинг ўз Ватанига меҳри, садоқатини кучайтириш хоҳиши билан ҳам изоҳланади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (эски таҳриридаги) қонуннинг 23 – моддаси, 5- банди: “Ҳукумат аъзолари, судьялар, бош прокурор ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари, вазирликлар, идоралар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимларидан ташқари) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар”, деган қоида бекор қилинди.

Бу қоида бўйича профессор О.Т.Хусанов қуйидаги фикрларни билдирган: “Маълумки, Қонунчилик палатаси депутатлари профессионал асосда ишдан ажралган

² Қаранг: Хусанов О.Т. Сайлов қонунчилиги: таҳлил ва киёс // Ҳаёт ва Қонун. – Тошкент 2004. 3-сон . Б. 8-9.

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14 Тошкент: Ўзбекистон, 2006. 636.

холда доимий фаолият юритади. Шунинг учун қонунда номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатда, номзод депутат этиб сайланадиган бўлса, бажариб турган ишидан бўшаши ҳақидаги аризаси талаб қилиниши (аввал бундай талаб ҳамма номзодлар учун эмас, айрим депутатлик лавозими билан қўшилиши мумкин бўлмаган шахслардан талаб этиларди) кўрсатилди”¹.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 26 – моддасига мувофиқ, депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб сайлов олди ташвиқотларида иштирок этадилар.

Депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқот ишларини олиб бориши сайлов жараёнининг муҳим босқичи ҳисобланади. Депутатликка номзод сайлов натижаларига кўра қолиб бўлишлари учун, сайлов олди ташвиқот тадбирларининг ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳар бир давлат ўз сиёсий-ҳуқуқий тизими хусусиятларидан келиб чиқиб, сайловолди ташвиқот тадбирларини олиб бориш муддатини қонун ҳужжатларида белгилаб қўяди.

Шу ўринда депутатликка номзодларнинг дахлсизлик масаласига ҳам эътибор бериш лозим деб ўйлайман. Чунки, Россия Федерацияси сайлов қонунчилигига мувофиқ, депутатликка номзодлар сайлов кампанияси даврида иммунитет ҳуқуқлардан фойдаланади, рўйхатдан ўтказилган кундан то сайлов натижаларини эълон қилингунга қадар, Россия Федерацияси Бош прокурорининг рухсатисиз номзоднинг ушлаб турилиши, маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бу номзоднинг сайловларда эркин ҳамда ошқоро тарзда ҳаракат олиб боришини таъминлайди¹.

Бизнинг фикримизча, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунга тегишли қўшимча киритиш лозим. Яъни, депутатликка номзодлар рўйхатдан ўтказилган кундан то сайлов натижаларини эълон қилингунга қадар дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Фақатгина, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг рухсати билангина депутатликка номзодга нисбатан маъмурий, жиноий ҳамда бошқа мажбурлов чораларини қўллаш мумкинлигини белгилаш лозим.

Депутатликка номзодларнинг барчасига тенг ҳуқуқлар берилишининг қўшимча кафолатларини яратиш мақсадида, Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янги ҳуқуқий норма билан тўлдирилдики, унга кўра ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади².

Бу ҳақда юридик фанлар доктори, Э. Ҳ. Халилов қуйидаги фикрларни билдирган: “Бундай талаб одамларни моддий қизиқтириш, пора эвазига оғдириб олишга йўл қўймасликка қаратилган бўлиб, айни пайтда, сайлов кампанияси давлат маблағларидан молияланиши, шунингдек, ихтиёрий бадаллар Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилиниши ҳамда тенг тақсимланиши тартиби билан узвий боғлиқдир”³.

Дарҳақиқат, Э. Ҳ. Халилов томонидан билдирилган фикрлар амалий аҳамиятга эга. Чунки, мамлакатимизда сайловлар биламизки сайловлар асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Чет эл фуқаролари, фуқаролари бўлмаган шахслар, хорижий мамлакатлар юридик шахслари ҳамда бошқа шу каби субъектлар

¹ Хусанов О. Сайлов қонунчилиги: таҳлил ва қиёс // Ҳаёт ва Қонун. – Тошкент, 2004. – № 3. – 8 б.

² Выборы депутатов Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации. В вопросах и ответах / Под.ред. Д.В. Нежданова, Д.А. Сударушкина. – СПб.: Питер, 2003. – 87 с.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003 й. – 9-сон. – 132 – модда.

⁴ Қаранг. Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари ривож. Давлат ва ҳуқуқ, 2000. – №1. – 20 б.

бундай ҳуқуқдан фойдалана олмайдилар, натижада сайлов жараёнига ноқонуний аралашувлар, номзодлар ўртасидаги тенгсизликга йўл қўйилишнинг олди олинади.

Қолаверса, 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунида ҳам жисмоний ва юридик шахслар томонидан ажратиладиган маблағларнинг максимал миқдори белгилаб қўйилган. Бу шундан далолат берадики, ўтказилаётган сайловларда турли ноқонуний йўллар билан ўз номзодини илгари сурувчи шахсларга ҳамда уларнинг тарафдорларига имконият яратиб бермаслик ва уларга нисбатан тегишли чораларни қўллашни англатади.

Сайлов ташвиқотида номзод кўмак олиш мақсадида, ўзининг ишончли вакилларига эга бўладилар. Депутатликка номзод 5 нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин¹. Сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 147- моддасида жавобгарлик масалалари кўзда тутилган.

Қонунчилик палатасига депутатликка номзоднинг ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ва тегишли сайлов округи доирасида давлат йўловчи транспортнинг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортдан, таксидан ва транспорт бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текин юриш ҳуқуқига эга. Депутатликка номзод сайловга қадар исталган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилади. Сайлов кампанияси даврида номзоднинг иш ўрни сақланиб турилади. Депутатликка номзодни ишдан бўшатиш, унинг рухсатсиз бошқа иш жойига ўтказиш, ҳарбий хизматга жалб қилиниши мумкин эмас.

Юқори палата аъзолари сенаторларни сайлаш масаласига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламентни шакллантиш жараёнида 2003 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги сайлов қонунчилигининг янги таҳрирда қабул қилиниши Олий Мажлис Сенатини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Ушбу қонунчиликка асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидир.

Сенатнинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати тўғрисида»ги,³ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги,⁴ қонунлар ва бошқа қонунлар билан белгиланади.

Сенатни шакллантириш тартиби "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Сенатни шакллантириш тартиби ҳақида сўз юритганда айтиб ўтиш жоизки бу жараён ўзига хос хусусиятни касб этади.

¹ Қаранг: Мустафоев Б. Истиқлолнинг залворли қадамлари: Ҳуқуқий демократик давлат сари.- Тошкент: Адолат, 2006.- 206.

³ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонун.Т.: Халқ сўзи. 2002. 28 декабрь

⁴ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги қонуни. (Халқ сўзи 9 октябр 2003 йил.).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис юқори палатасини шакллантириш масаласига тўхталсак, Сенатга сайлов маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлангандан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.⁵

Сенат аъзолари Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан Қорақолпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш орқали сайланади. Овоз бериш натижаларига кўра, бошқа номзодлага нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисида ҳозир бўлган депутатларнинг эллик фоизидан ортиғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.⁶

Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг баённомалари асосида, бу баённомалар келиб тушган кундан эътиборан, беш кундан кечиктирмай, Сенат аъзолари рўйхатга олади, шунингдек, Сенатни шакллантириш яқунлари тўғрисидаги ахборотни ва сенаторлар рўйхатини ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Айтиб ўтиш жоизки, бу тажриба бошқа давлатларда ҳам кенг қўлланади. Хусусан Италияда Президент фан, маданият ва жамият ҳаётидаги юқори хизматларини инобатга олган ҳолда 5 та сенаторни умрбод тайинлаши мумкин. Қозоғистонда эса Сенатнинг 7 та аъзоси бевосита Президент томонидан тайинланади (бу Сенатнинг умумий таркибининг 1,4 қисмини ташкил этади).⁷

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин.⁸ Ёш цензи 25 ёш деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасини шакллантириш тартиби 2003 йил 29 августда (янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги 30.04.1998 йил қабул қилинган қонуни билан амалга оширилади.

Янги яратилган сайлов қонунчилигига асосан 2004 йил 26 декабрда Ўзбекистонда илк маротаба ики палатали парламентга сайлов бўлиб ўтди. Мамлакатимиз очик, эркин ва демократик сайловни таъминлаш йўлидан изчил олға бораётганлигини бутун дунёга Яна бир бор намоиш этди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни республика фуқароларининг ўз сайлаш ҳақуқларини рўёбга чиқаришлари учун етарлича ҳуқуқий шароит яратди. Ўзбекистон парламенти (Олий Мажлис) халқ хоҳиш-иродасига асосан бир палаталикдан икки палаталикка айлантирилди.

⁵ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003.№ 9-10. 132-м

⁶ Мустафоев Б.Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги. Т.: ТДЮИ.2004. 26-б.

⁷ Лебедева С.В. Формирование Сената. Т.:ТДЮИ.2004. 13-б.

⁸ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003.№ 9-10. 132-м

II- БОБ. ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ВА СЕНАТ АЪЗОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Қонунчилик палатаси депутаты ва Сенати аъзоси ваколатларининг вужудга келиши ва тугатилиш тартиби

Қонунчилик палатаси депутаты ва сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қатор қонун нормаларида: “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил етишнинг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги қонунларида ва бошқа қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ифодаловчи ҳуқуқий нормалар ичида конституциявий нормалар алоҳида аҳамиятга эга.

Конституциянинг 87-88-моддаларида депутат ва сенаторларнинг ҳуқуқий мақомининг умумий асослари белгилаб берилган, яъни депутат ва сенаторларнинг асосий вазифалари қайд қилиниб, дахлсизлик ҳуқуқи, депутатлик ва сенаторлик фаолиятига ҳақ тўлаш каби умумий масалалар тартибга солинган⁹.

Депутат ва Сенатор мақоми 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунида кенгроқ ва тўлароқ тартибга солинган. Ушбу қонунда депутат ва сенаторларнинг мақомига тегишли барча масалаларни - кимлар депутат ва сенатор бўлиши, уларнинг ваколат муддати, депутатликни тасдиқловчи воситалар, депутатнинг Олий Мажлисдаги иши каби масалаларни қонуний асосда мустаҳкамлагани, депутатнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини, депутатларнинг сайловчилар, сиёсий партиялар билан олиб борадиган ишларини, депутатнинг парламент сўровини, депутат одобини ўз ичига қамраб олган¹⁰.

Хусусан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунининг 1-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) сайланган ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланиши тўғрисидаги қоида акс этган бўлса, 2-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) сайланган ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси

⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т.Ўзбекистон 2008 й.

¹⁰ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. А.Х.Умумий таҳрири остида. Т.ТДЮИ.2005. 332-б

Президенти томонидан Сенатга тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сенатор ҳисобланади.

Қонунга асосан депутат Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати (5 йил) га сайланади. Сенатор Сенатнинг ваколатлари муддати (5 йил)га сайланади (тайинланади).

Депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

- у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;
- у қонунга кўра депутатлик, сенаторлик ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;
- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- у чақириб олинган тақдирда;
- суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган тақдирда;
- у суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;
- у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
- у вафот этган тақдирда;
- палата тарқатиб юборилган тақдирда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сенатор этиб сайланган депутати ваколатларининг муддатидан илгари тугатилиши унинг сенаторлик ваколатлари тугатилишига олиб келади.

Алоҳида ҳолларда депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Депутат, сенатор деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг, сенаторнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас.

Депутатда, сенаторда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан бериладиган тегишли гувоҳнома ва кўкрак нишони бўлади. Депутат, сенатор гувоҳнома ва кўкрак нишонидан ўз ваколатлари муддати мобайнида фойдаланади.

Депутатнинг, сенаторнинг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тўғрисидаги низом, шунингдек бундай гувоҳнома ва нишон намуналари ҳамда тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Депутат Қонунчилик палатасида доимий асосда ишлаши лозим ҳамда ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Сенатор қонун ҳужжатларига мувофиқ Сенатда доимий асосда ишлаши мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

2.2. Қонунчилик палатаси депутаты ва Сенати аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ташкилий- ҳуқуқий асослари.

Қонунчиликда депутат ва сенаторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида қайд этилган бўлиб, хусусан депутат, сенатор тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

Депутат, сенатор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

палатанинг органларига сайлаш ва сайланишга;

палата мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

палата мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинадиган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга;

қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритишга;

палата томонидан тузиладиган органларнинг шахсий таркиби ҳамда сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;

мунозараларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;

парламент сўрови билан мурожаат этишга;

ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга;

палата мажлисида раислик қилувчига палата мажлисида муҳокама қилинадиган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топширишга;

палата таркибидаги ўзи аъзо бўлган тегишли органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини палата мажлисида баён қилишга ёки бу ҳақда тегишинча Қонунчилик палатасининг Спикерига, Сенат Раисига ёзма равишда маълум қилишга;

палатага ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини палата мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилишини, шунингдек палата қарорларининг бажарилишини текшириш ҳақида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

палата мажлисларининг стенограммалари билан танишишга;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Депутат, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ҳамда Қонунчилик палатасидаги депутатлар бирлашмалари ишида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Депутат, сенатор қонунларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш жоизки депутатнинг ва сенаторнинг фаолиятида унинг назорат ваколатларидан фойдаланиш ҳуқуқи яъни унинг парламент сўрови билан мурожаат қилиш ҳуқуқи алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан қонунга асосан депутат, сенатор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақлидир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент сўровига жавобни белгиланган муддатларда тегишли палатанинг мажлисида берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига, Олий ҳўжалик суди раисига, Бош прокурорига, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига йўлланган парламент сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Парламент сўровлари бўйича ахборот тегишинча Қонунчилик палатаси, Сенат мажлисида муҳокама қилиниши мумкин.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси маълум мажбуриятларга ҳам эга. Жумладан қонуннинг 8-моддасига асосан депутатнинг ва сенаторнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Депутат, сенатор тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисларида, шунингдек палатанинг қайси қўмитаси, комиссияси таркибига, келишув комиссияси таркибига сайланган бўлса, шу қўмита, комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг регламентларида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт.

Қонунчилик палатаси, Сенат, қўмита, комиссия, келишув комиссияси мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда депутат, сенатор бу ҳақда тегишинча Қонунчилик палатасининг Спикерига, Сенат Раисига, қўмита, комиссия раисига, келишув комиссиясининг тегишли палатадан сайланган ҳамраисига олдиндан хабар қилиши шарт.

Депутатнинг, сенаторнинг зиммасида қонунларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Депутат ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқа боғлаб туради, Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифода этади.

Депутат ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўради, фуқароларни қабул қилади.

Депутат вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта, сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот беради.

Депутатга сайловчилар билан олиб бориладиган ишлар учун Қонунчилик палатасининг Регламентида белгиланадиган тартибда муайян кунлар ажратилади.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун депутатга зарур шарт-шароит таъминланади. Ижро этувчи ҳокимият органлари унинг илтимосига кўра бино ажратилишини ташкил этадилар, депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида фуқароларга хабар берадилар, қабул ва учрашувларда иштирок этиш учун депутатнинг таклифига биноан ўзларининг масъул вакиллари юборадилар, шунингдек депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар кўрадилар.

Сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин.

Депутат, сенатор одоб қоидаларига қатъий риоя этиши лозим. Депутатнинг, сенаторнинг ўз мақомидан фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Депутатлик, сенаторлик одоби бузилган тақдирда депутатнинг, сенаторнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли палата томонидан ёки унинг топшириғига биноан палатанинг органи томонидаи кўриб чиқилиши мумкин.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда парламентнинг ролини ошириш, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий асосларини ривожлантириш масалаларини “Конституциявий ҳуқуқ” фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш натижалари, ўз навбатида, қуйидаги концептуал хулосаларга келишга ва бу соҳадаги фаолиятни тартибга солишга қаратилган тегишли қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан бир қатор амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга асос бўлади:

1. Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунда Қонунчилик палатаси депутати институтига унинг барча тавсифий хусусиятларини ўзида камраб олган қатъий таъриф берилмаган. Шу жиҳатдан олганда, мазкур қонуннинг биринчи моддасида депутат тушунчасига қуйидагича таъриф бериш лозим, яъни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, Қонунчилик палатасининг ваколатларини амалга оширишда иштирок этадиган ҳамда фаолияти давомида бутун халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси депутат ҳисобланади”.

Юқоридагилар билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатларининг қандай мандат асосида фаолият олиб бориши масаласини ҳам қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш лозим. Бунда депутатлик мандатини “ярим эркин мандат” сифатида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, амалдаги қонунчиликда ҳам императив мандатнинг, ҳам эркин мандатнинг асослари мавжуд. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 9- моддасида, депутатларнинг сайловчилар олдида ахборот бериб туриши бевосита эркин мандатни ифодаласа, ушбу модданинг ўзида, сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин, деб белгилаб қўйилган. Бу эса императив мандатнинг кўринишини ифодалайди.

2. Қонунчилик палатаси депутатининг ўз касбини профессионал тарзда олиб бориши, кўп жиҳатдан, уларнинг фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асосларга боғлиқдир. Шу боис, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови тўғрисида”ги алоҳида қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккита мустақил палатадан иборат эканлиги, иккала палата аъзоларини сайлаш, сайлов жараёнларини ташкил этиш, сайлов ташвиқотлари, овозлар бериш жараёни, овозларни эълон қилиш ва бошқа ҳуқуқий-ташкилий ҳолатлар қонунни қабул қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

3. Қонунчилик палатасига сайловлар жараёнида ўз номзодини қўйган фуқароларнинг дахлсизлик масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш тизимини такомиллаштириш лозим. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига тегишли қўшимча киритиш лозим. Мазкур ўзгаришларда депутатликка номзодлар рўйхатдан ўтказилган кундан то сайлов натижаларини эълон қилингунга қадар дахлсизлик ҳуқуқларидан фойдаланиши, бунда, депутатликка номзодга нисбатан фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг рухсати билан маъмурий, жиноий ҳамда жавобгарликнинг бошқа турларини қўллаш мумкинлиги билан боғлиқ масалаларнинг назарда тутилиши мақсадга мувофиқ.

4. Сайловлар жараёнида депутатликка номзодлар томонидан киритиладиган сайлов гарови институтини йўлга қўйиш лозим. Таъкидлаш жоизки, ушбу амалиёт дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари сайлов қонунчилигида ўз аксини топган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда номзодларга нисбатан сайлов гаровининг қўлланилиши, ўз навбатида, ушбу номзодларнинг сайловларга нисбатан ҳурмат ва маъсулият ҳиссининг ошишига ҳамда мазкур жараёнда нолойиқ номзодлар сонини кўпайишининг олдини олинишига хизмат қилади.

5. Қонунчилик палатаси депутатининг ваколати муддатидан олдин тугатилганда, бўш турган ўринга номзод тайинланиш масалаларини амалдаги қонун ҳужжатларида ифода этиш лозим. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 47- моддасига кўра, Қонунчилик палатасига сайланган айрим депутатларнинг ваколатлари ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда, сайловчилар томонидан депутат чақириб олинганда ва бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. Ушбу моддага ўзгартириш киритиб, агар Қонунчилик палатаси аъзосининг ваколати муддатидан олдин тугатилганда, Марказий сайлов комиссияси бўш турган ўринга ўша округ бўйича энг кўп овоз тўплаган номзодни тайинлаши тўғрисидаги қондан киритиш лозим. Агар номзод депутатлик ўрнига хоҳиш билдирмаса, ундан кейинги энг кўп овоз тўплаган номзод тайинланиши мумкин. Бу борадаги амалиётдан маълумки, сайловларга давлат бюджетидан кўплаб маблағлар ажратилади. Шу жиҳатдан олганда, қонунчиликка юқоридаги нормаларнинг киритилиши биринчидан, сарфланаётган маблағларни тежаш, иккинчидан, олдинги сайловда тўлақонли иштирок этган ҳамда сайловчиларнинг муайян даражада овозини тўплаган кейинги номзоднинг тайинланиши ҳар томонлама мантиқийликка тўғри келади, учинчидан, ортқча ташкилий ишларнинг олди олинади.

6. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 4- моддасига, депутатлик қасамёди ва унинг матнини киритиш лозим. Қасамёд матни қуйидагича ифодаланиши мумкин: “Қонунчилик палатаси депутати сифатида, ўз зиммамга юклатилган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни виждонан ҳамда ҳалол бажаришга, бутун халқ манфаатларини Конституция ва қонун доирасида таъминлашга тантанали қасамёд қиламан”. Депутат томонидан юқоридаги мазмунда қасамёд қилиниши, ўз навбатида, унинг сайловчилар олдидаги маъсулиятини ошишига, муайян ҳуқуқий оқибатнинг келиб чиқишига, ишонч, сезгирлик ва талабчанлик руҳида фаолият олиб боришга муҳим туртки бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу моддада Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари, янги сайланган Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси кунидан бошланади ва унинг янги чақириқ Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттириши билан боғлиқ норма акс этиши мақсадга мувофиқдир.

7. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига, Қонунчилик палатаси депутати ўз фаолияти даврида ижодий фаолият олиб бориши мумкинлиги хусусидаги қондан киритиш лозим. Бу борада хориж тажрибаси таҳлил қилинадиган бўлса, Россия, Украина, Беларусь каби давлатларнинг қонунчилигида бундай мазмундаги қондаларни мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Бу ерда гап, Қонунчилик палатаси депутатлари ёзувчилик, рассомчилик ва бошқа ижодий фаолият турлари билан шуғулланишлари мумкинлиги ҳақида кетмоқда.

8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунда Қонунчилик палатаси депутатлари

ўз фаолияти мобайнида маълум бир тамойиллар асосида фаолият олиб боришлари лозимлиги хусусидаги қондани киритиш лозим. Бу тамойиллар сифатида: мустақиллик; қонунийлик; коллегиялик; инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланганлиги; жамоатчилик фикрини ўрганиш қабиладарни кўрсатиш мумкин.

9. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 13 – моддасига, Қонунчилик палатаси депутатлари, агар жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ушлаб турилиши мумкинлиги, шунингдек, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тинтув қилиниши, шахсан текширилиши мумкинлиги тўғрисидаги қондани мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Ушбу қонданинг киритилиши, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 - моддасида белгилаб қўйилган, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципини устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

10. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 16 моддасига, Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари муддати тугагач, давлат ҳокимияти тизимида фаолият олиб борган депутатларга уларга олдинги иш жойларини сақлаб қолиш ёки айнан шу лавозимга тенг келадиган бошқа лавозим билан таъминлаш билан боғлиқ қондани киритиш лозим. Шу ўринда, Қонунчилик палатаси депутатлари ваколатлари муддати тугаганида ёки палата тарқатиб юборилган тақдирда уларга бериладиган моддий имтиёзлар бериш хусусидаги масалалар тегишли тартиб қоида мустаҳкамланмаганлигини таъкидлаш жоиз. Шу жиҳатдан олганда, тегишли қонун ҳужжатларида мазкур масалалар ўз ифодасини топиши лозим.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг доимий ва профессионал тарзда фаолият олиб бориши назарда тутилдиган бўлса, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 20 – моддасидаги “шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно” деган жумлани чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқоридагилар билан бирга, қонунда Қонунчилик палатаси депутатларига тиббий ва коммунал хизматлар масалаларида муайян қафолатлар назарда тутилиши лозим.

12. Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан маълум бир масалалар юзасидан овоз бериш жараёнида қўлланиладиган “бетараф қолиш” тартибини бекор қилиш ҳамда ушбу қондани Қонунчилик палатаси Регламентининг 95, 97- моддаларида мустаҳкамлаш лозим. Чунки, профессионал парламентда фаолият олиб боришлик депутатнинг қабул қилинаётган қонунларга ёки муҳокама қилинаётган масалаларга нисбатан ўзининг аниқ қарорини билдириши лозимлигини талаб қилади. Қолаверса, депутатлар ҳар бир соҳа бўйича етарли билимларга эга бўлиши орқали, ўз овозларини маълум масалага қатъийлик билан билдиришлари лозим.

13. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентининг тегишли моддаларида депутатларнинг ўз сайловчилари билан учрашувларини ташкил этиш, кўтарилган масалаларни назоратга олиш ва ҳисоботларни юритиш, шунингдек, депутатларнинг ўз сайловчилари билан бевосита мулоқотларининг давомийлигини таъминлаш учун масофавий электрон алоқалар тизимини ташкил этиш каби масалаларни назарда тутиш лозим. Депутат томонидан мазкур масалаларни ҳал этиш учун ҳар бир сайлов округида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг доимий фаолият юритувчи вакили - ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш мақсадга мувофиқдир.

14. Таъкидлаш жоизки, парламент ислохотлари давомида депутатларнинг илмий салоҳиятини янада ошириш, уларга зарур бўлган маълумотларни олишлари учун зарур

шарт-шароитларни яратиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида қонунчилик ва қиёсий ҳуқуқшунослик йўналишидаги илмий тадқиқот институти ёки маркази ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

15. Хорижий давлатларда парламент фаолияти ва уларга юкланган вазифаларни инобатга олиб, парламент назорати самарадорлигини, Қонунчилик палатаси депутатлари мақомини ва уларнинг халқ мафаатини амалга оширишдаги фаоллигини ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида “парламент сўрови” билан бир қаторда “депутат сўрови”, “депутат саволи” тушунчаларини киритиш лозим. Юқоридагилар билан бирга, Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш тартибини, палата аъзоларининг кўпчилик овози билан сўровни юбориш, тегишли мажлисларда давлат ҳокимияти органлари вакилларининг оғзаки ва ёзма тарзда жавоб беришлари билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам юқоридаги қонунда аниқлик киритиш талаб этилади. Шу ўринда “депутат саволи” тушунчасини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқдир, яъни депутат саволи – бу депутатнинг Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва мансабдор шахсларга депутатни қизиқтирувчи масалалар юзасидан ёзма ёки оғзаки шаклда маълумотни беришни сўраб қилган қонун билан белгиланган мурожаатидир.

16. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонунда, палата фаолиятида депутатлик суриштирувлари билан боғлиқ тартиб қоидаларни мустаҳкамлаш лозим. Бинобарин, депутатлик суриштирувлари орқали ижро ҳокимиятининг самарали фаолиятига баҳо берилади ва шу асосда улардан қонунни бузган ёки мансабини суистеъмол қилган мансабдор шахсни лавозимидан бўшатишни ёки уни жавобгарликка тортишни талаб қилиши мумкин бўлади. Бу парламент назоратини амалга оширишнинг асосий усулларида бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

1.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Т. 3. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

1.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.

1.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.Т. 5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

1.6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

1.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.

1.8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

1.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз.Т. 9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.

1.10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.

1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.

1.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.

1.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

1.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – олий қадрият.Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

1.15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир.Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

1.16. Каримов И.А. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93- моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларига шарҳлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси номига йўллаган хатидаги принципиал мезонлар // Халқ сўзи. – 2006 йил 9 ноябрь.

1.17. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи. – 2007 йил 31 август.

II. Қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 406.

2.2. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни (эски таҳрир). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1994 й.- № 1. - 6-модда.

2.3. Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1994 й.- № 5.- 127-модда.

2.6. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида” (эски таҳрир) қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1994.- № 10.- 50-модда.

2.7. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари фаолиятининг таъминоти тўғрисидаги Низом ҳақида” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995 й.- № 4.- 30-модда.

2.8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995 й.- № 6, -97-модда.

2.9. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низом” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995 й.- № 6. - 98-модда.

2.10. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси депутатларининг мақоми тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1995 й.- № 6.- 114-модда.

2.11. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1997 й.- № 9.- 237-модда.

2.12. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1998 й.- № 5-6.- 95-модда.

2.13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган, 2000-2002 йилларга мўлжалланган қонунчилик ва назорат фаолиятининг устуворликлари тўғрисида Олий Мажлис қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2000 й ..- № 5-6.

2.14. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталари ва комиссиялари қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг 2000 йилга мўлжалланган режаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2000 й. -№4.

2.15. “2000 йилнинг апрель-декабр ойларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг муҳокамасига киритилган асосий масалалар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарори . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2000 й.-№ 4.

2.16. Ўзбекистон Республикаси “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида” қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002 й.- № 4-5.- 60-модда.

2.17. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002 й.- № 12.- 213-модда.

2.18. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002 й.- № 12. -215-модда.

2.19. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 3-4.- 27-модда.

2.20. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги қонуни (янги таҳрирда) . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 9-10.- 132-модда.

2.21. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси 29.08.2003 й. 520-ИИ-сон Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2003 й.- №9-10.- 134-модда

2.22. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 9-10. -136-модда.

2.23. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида” қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 9-10.- 137-модда.

2.24. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” ги қонуни (янги таҳрирда) . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й.- № 9-10.- 138-модда.

2.25. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й.- №1.- 8 – модда.

2.26. Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й.- №1.- 8 –модда.

2.27 Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й.- №1.- 12- модда.

2.28. Ўзбекистон Республикаси “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2006 й.- №41.- 406-модда.

2.29. Ўзбекистон Республикаси “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 й.- №15.- 151-модда.

III. Махсус адабиётлар

3.1. Азизхўжаев А.А. Демократия – халқ ҳокимияти демакдир.-Тошкент: Шарқ, 1996.-226 б.

3.2. Адилходжаева С.М., Маликова Г.Р. Парламент сўрови парламент назоратининг шакли сифатида.- Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 43 б.

3.3. Авакьян С.А. Федеральное Собрание – парламент России. М.:

«Российский юридический издательский дом», 1999. – 432 с.

3.4 Авакьян С.А. Депутат: статус и деятельность.- М.: Политиздат, 1991.- 287с.

3.5. Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран. М.:Издательское группа «Форум», 1998. -488с.

3.6. Амеллер. Парламенту (пер.с англ). М.: Прогресс, 1967. – 512 с.

3.7. Безуглов А.А. Солдатов С.А. Конституционное право России.Т.2. Учебник для юридических вузов.М.: «Профобразование», 2001. -831с.

3.8. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов.- М.: Издательство группа НОРМА- ИНФРА, 1999. -832с.

3.9. Баглай М.В., Туманов В.А. Малая энциклопедия конституционного права.- М.: Бек, 1998. –519 с.

3.10. Булаков О.Н. Парламентское право. –М.: Юриспруденция, 2002.- 128с.

3.11. Государственное право Российской Федерации. Учебник. Под ред. О.Е.Кутафина. - М.: Юрид. Лит, 1996. - 584 с.

3.12. Гранкин И.В. Парламент России.- 2 изд., доп. – М.: Издательство гуманитарной литературы, 2001. – 368 с.

3.13. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик. // Муаллифлар жамоаси. Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 337 б.

3.14. Ёлчев В.А. Государственная Дума. Роль и место аппарата в законодательном процессе.- М.: Памятники исторической мысли. 2000. – 165с.

3.27. Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право: Учебник.- М.: Юристъ, 2001.- 480 с.

3.28. Конституция государств Европы.Т 1. М.: «НОРМА», 2001. -824с.

3.29. Конституционное право России. В 3-х томах. М.: НОРМА ИНФРА 2001.- 637с.

3.30. Кириллов В.Ф. Конституционное право Российской Федерации: Тюмень: Издательство Тюменского государственного университета, 2005. -468с.

3.31. Любимов А.П. Парламентское право России . Учебное пособие– М.: Маркетинг, 2000. -368с.

3.32. Мишин А.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран.Учебник. -М.:Белые альфы, 1996.-396 с.

3.33. Михалёва Н.А. Конституционное право зарубежных стран СНГ. Учебное пособие. - М.: Юристъ, 1998. - 352 с.

3.34. Мустафоев Б., Назаров Қ., Ким депутат бўлиши мумкин?, Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 26 б.

3.35. Мустафоев Б. Истиклолнинг залворли кадамлари: Ҳукукий демократик давлат сари.- Тошкент: Адолат, 2006.-302 б .

3.36.

3.38. Одилқориев Х.,Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. - Тошкент:Ўзбекистон, 1995. - 208 б.

3.39. Одилқориев Ҳ . Т. , Тультеев И. Т. Икки палатали парламент.- Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.- 344 б.

3.41. Парламентское право России. Учебное пособие// Под.ред. И.М.Степанова, Т.Я.Хабриевой.- М.: Юристъ,1999.- 391с.

3.42. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси// Муаллифлар жамоаси. Тошкент: “Шарқ”, 2004.- 296 б.

3.43. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси/ Тузувчилар: И.Комилов, Ф. Бакаева, А.Абдуллаев, Р.М.Алимовнинг умумий таҳрири остида.- Тошкент: Шарқ , 2004.- 130 б.

- 3.44. Рижков В. А., Страшун Б. А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть. М.: Юрист, 1999.- 631с.
- 3.45. Слива А.Я. Депутатский запрос (Пособие для слушателей народных университетов). – М.: Знание, 1988. -95с.
- 3.46. Таджиханов У. Одилқориев Х. Саидов А. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик.- Т.: Шарқ, 2001.- 752 б.
- 3.47. Уразаев Ш.З. Власть и закон. - Тошкент: Фан, 1991. - 48 с.
- 3.48. Уразаев Ш.З. Конституция независимого Узбекистана. — Ташкент: Адолат, 1993.-103 с.
- 3.49. Уразаев Ш.З. Модель закона: какой ей быть. - Ташкент: Фан, 1990. - 48 с.
- 3.50. Хорижий мамлакат конституциявий (давлат) ҳуқуқи: Ўқув қўлланма //Маъсул муҳаррир: доцент Д.Қ.Аҳмедов.- Тошкент: ТДЮИ, 2006.-550 б.
- 3.51. Исламов З.М Общество, государство, право. В 2-х т. - Тошкент: Адолат, 1997. – 244 с.
- 3.52. Қаюмов Р.К,- Узбекистан Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. - Тошкент: Адолат, 1998. - 400 б.
- 3.53. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи:сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар.- Тошкент:Ўзбекистон, 2001.-384 б.
- 3.54. Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари. - Тошкент: Шарқ, 1996.-76 б.
- 3.55. Чиркин В.Е. Конституционное право: Россия и зарубежный опыт. –М.: Зерцало , 1998. - 448 с.
- 3.56.Чудаков М.В. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. – Мн.: 2001. – 576 с.
- 3.57.Юдин Ю.А. Политические партии и право в современном государстве. -М.: Форум-инфра, 1998. - 288 с.